

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ХУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2019 йил 16 июль
сешанба
№ 28 (1180)

www.insonvaqonun.uz
insonvaqonun@adliya.uz
[facebook.com/ivquz/](https://www.facebook.com/ivquz/)
[telegram.me/ivquz](https://www.telegram.me/ivquz)



АДЛИЯ
ВАЗИРЛИГИ



ИНТЕЛЛЕКТУАЛ
МУЛК
АГЕНТЛИГИ

ИШИДАН АЙРИЛГАН ХОДИМ

Меҳнат қонунчилиги билан боғлиқ қайси норматив ҳужжатда меҳнатга лаёқатсизлик варақасини куннинг қайсидир қисмида берилганлигини ҳисобга олиш кўрсатилган?


3-саҳифа



нима учун Адлия вазирлигига ўтказилди?

2-саҳифа

АГЕНТЛИКНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАСИ



- интеллектуал мулк соҳасида ягона давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлаш
- ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, товар белгилари ва бошқа интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш
- интеллектуал мулк соҳасида ихтиролар, саноат намуналари, фойдали моделлар, товар белгилари ва бошқа интеллектуал мулк объектларини экспертизадан, рўйхатдан ўтказиш ҳамда ҳисобга олишни ташкил этиш ва амалга ошириш

Адлия бўлимларига вазифалар юклатилди:

- корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилишни таъминлаш бўйича консултатив ва амалий кўмаклашиш;
- интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий муҳофаза қилинишини, муаллифларнинг ва бошқа ҳуқуқ эгаларининг ҳуқуқлари муҳофаза қилинишини таъминлаш бўйича, шу жумладан контрафакт маҳсулотларни ишлаб чиқариш, чиқариш, реализация қилишга қарши курашишда ваколатли давлат органларига кўмаклашиш орқали тегишли чоралар кўриш;
- давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг интеллектуал мулк соҳасини тартибга солишдаги фаолиятида ҳуқуқни қўллаш амалиётини изчил ва бир хилда таъминлаш;
- аҳоли ўртасида интеллектуал мулк муҳофазаси соҳасида ҳуқуқий маданиятни ошириш бўйича тарғибот тадбирларини ташкиллаштириш ва ўтказиш.

Агентликка куйидаги ҳуқуқлар берилди:

- давлат органлари, корхоналари, муассасалари ва бошқа ташкилотлар фаолиятида интеллектуал мулк соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя этилиши бўйича ўрганишлар ўтказиш;
- давлат органлари, корхоналари, муассасалари ва бошқа ташкилотлар раҳбарларига аниқланган қонунбузилишлар, уларга имкон берувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақида кўриб чиқиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш;
- интеллектуал мулк соҳасидаги қонун ҳужжатлари бузилишига йўл қўймаслик ҳақида мансабдор шахсларни ёзма равишда огоҳлантириш;
- интеллектуал мулк соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун давлат органлари, корхоналари, муассасалари ва бошқа ташкилотлар мансабдор шахсларига нисбатан маъмурий жазо қўллаш.

БЕҲИШТ ГУЛЛАРИДАН ЮЗ БУРМАНГ УНИНГ СЎРОВИ ҲАМ, ЖАВОБИ ҲАМ ОФИР КЕЛАДИ

... Ўша тунда онам келмади. Эрталаб тонгда солдатлар барагимиз яқинида ўлиб ётган бир аёлни судраб олиб кетишаётганини ўша девор тирқишидан кўрдим. Аёлнинг мен томон чўзилган қўллари яримта картошкани маҳкам чангаллаб олганди.

5-саҳифа

“СИРЛИ МИЖОЗ” ТАДБИРИДА 18 НАФАР ХОДИМ ИНТИЗОМИЙ ЖАЗОГА ТОРТИЛДИ

... Адлия вазирлиги томонидан 2019-2020 йиллар давомида коррупцияга қарши курашиш мақсадида махсус дастур қабул қилинди.

6-саҳифа

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК АГЕНТЛИГИ нима учун Адлия вазирлигига ўтказилди?



ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2019 йил 1 июль куни “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Қарор билан Интеллектуал мулк агентлиги ижро этувчи аппаратининг янгиланган тузилмаси тасдиқланди. Мазкур ҳужжатда белгиланишича, Интеллектуал мулк агентлигига, эндиликда, бир қатор янги ҳуқуқлар берилди.

Масалан, давлат органлари, корхоналари, муассасалари ва бошқа ташкилотлар фаолиятида интеллектуал мулк соҳасидаги қо-

нунчилик талабларига риоя этилиши бўйича ўрганишлар ўтказиш; давлат органлари, корхоналари, муассасалари ва бошқа ташкилотлар раҳбарларига аниқланган қонунбузилишлар, уларга имкон берувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақида қўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш; интеллектуал мулк соҳасидаги қонун ҳужжатлари бузилишига йўл қўймаслик ҳақида мансабдор шахсларни ёзма равишда огоҳлантириш; интеллектуал мулк соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун давлат органлари, корхоналари, муассасалари ва бошқа ташкилотлар мансабдор шахсларига нисбатан маъмурий жазо қўллаш ҳуқуқи.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз, бу борада Адлия вазирлиги-

нинг ҳудудий бўлинмаларига, яъни адлия бўлимларига ҳам бир қатор қўшимча вазифалар юклатилди. Адлия бўлимлари энди корхона ва ташкилотларга интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилишни таъминлаш бўйича консултатив ва амалий кўмаклашди, интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий муҳофаза қилинишини, муаллифларнинг ва бошқа ҳуқуқ эгаларининг ҳуқуқлари муҳофаза қилинишини таъминлаш бўйича, шу жумладан, контрафакт маҳсулотларни ишлаб чиқариш, реализация қилишга қарши курашишда ваколатли давлат органларига ёрдам беради. Шунингдек, адлия бўлимлари аҳоли ўртасида интеллектуал мулк муҳофазаси соҳасида ҳуқуқий маданиятни ошириш бўйича тарғибот тадбирларини ўтказиши керак бўлади.

Агентликнинг асосий вазифалари, вазирлик тизимига ўтказилиши ва унинг афзалликлари, Адлия вазирлиги ҳузурида ташкил этилган Апелляция кенгаши нима билан шуғулланиши ҳақида масъул ходимнинг фикрларини олдик:

Қарорга мувофиқ, қуйидаги мезонларга мос товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгиси Ўзбекистонда ҳаммага маълум деб эътироф этилади:

- товар белгиси қўлланиладиган товарлар ёки хизматларнинг тури истеъмолчилар, уни тарқатадиганлар ёки унга алоқадор ишбилармонлар доирасида таниб олиниши;
- аввалдан хос бўлган ёки фалол фойдаланиш натижасида вужудга келган юқори фарқлаш хусусияти;
- Ўзбекистон ҳудудида, Интернет тармоғининг миллий сегмент домен номлари тизимида товар белгисидан кенг фойдаланиш ва унинг реклама қилиниши;
- республикада узоқ муддат давомида ва фалол фойдаланиш натижасида вужудга келган тижорат қиймати.



Гулчехра ЮСУПХАНОВА,
Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги Юридик ва норматив-ҳуқуқий масалалар бўлими бош юрисконсулти:

“

— Президентимизнинг 2019 йил 8 февралдаги “Интеллектуал мулк соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ, интеллектуал мулкни ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва умумэтироф этилган халқаро нормаларни имплементация қилишга оид фаолияти қониқарсиз, деб топилганлиги сабабли Интеллектуал мулк агентлиги Адлия вазирлиги тизимига ўтказилди.

— Рақамли технологиялар, шу жумладан, интернетнинг жадвал ривожланиши барча давлатларнинг интеллектуал мулк тизимига жиддий таъсир кўрсатмоқда ва бир пайтнинг ўзида рақамли муҳитда интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқларнинг самарали муҳофазаси ва ҳимояси соҳасида ҳам жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Бугунги кунда интернет тармоғи электрон савдо, таълим, маданият, шунингдек, муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар бўйича қонунчилик билан муҳофаза қилинадиган асарларни тарқатиш мақоли бўлиб хизмат қилмоқда. Бошқа томондан, бу ахборот алмашинуви жадал кечаётган тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ, интеллектуал мулкни ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва умумэтироф этилган халқаро нормаларни имплементация қилишга оид фаолияти қониқарсиз, деб топилганлиги сабабли Интеллектуал мулк агентлиги Адлия вазирлиги тизимига ўтказилди.

Президентимизнинг 2019 йил 8 февралдаги “Интеллектуал мулк соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ, интеллектуал мулкни ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва умумэтироф этилган халқаро нормаларни имплементация қилишга оид фаолияти қониқарсиз, деб топилганлиги сабабли Интеллектуал мулк агентлиги Адлия вазирлиги тизимига ўтказилди.

Интеллектуал мулк агентлигини Адлия вазирлиги тизимига ўтказишда фаолиятнинг очиклиги, шаффофлиги ва ҳисобдорлигини таъминлаш кўзда тутилган эди. Айни дам шу мақсадда,

товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва товар келиб чиққан жой номини рўйхатдан ўтказиш учун талабномалар топширилгандан сўнг Агентлик бир иш куни мобайнида ушбу талабномалар ҳақидаги маълумотларни ўзининг расмий веб-сайтига жойлаштиришда, бунда ишлаб чиқарувчилар, етказиб берувчилар, сотувчилар ёки уларнинг вакиллари талабномалар эълон қилингандан сўнг Агентликка рўйхатдан ўтказиш учун ноҳалол топширилган аризалар ҳақидаги ёзма эътирозларини тақдим этишлари мумкинлиги Қарорда белгиланди.

Шу билан бирга, 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб товар белгисини рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этиладиган талабномаларни фақат электрон шаклда давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали топшириш тартиби жорий этилади, бу орқали талабнома топширувчиларга қулайлик яратилади ва манфаатлар тўқнашуви олди олинади ҳамда экспертлар билан талабнома топширувчилар мулоқотга кирмаслиги, яъни коррупция ҳолати юзага келмаслиги таъминланади.

Агентликнинг асосий вазифаси интеллектуал мулк соҳасида ягона давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлаш, ихтиролар, фойдали моделлар, саноят намуналари, товар белгилари ва бошқа интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш, интеллектуал

мулк соҳасида ихтиролар, саноят намуналари, фойдали моделлар, товар белгилари ва бошқа интеллектуал мулк объектларини экспертизадан, рўйхатдан ўтказиш ҳамда ҳисобга олишни ташкил этиш ва амалга оширишдан иборатдир.

Адлия вазирлиги ҳузуридаги Апелляция кенгаши ўз фаолиятини Интеллектуал мулк агентлигининг ихтиролар, фойдали моделлар ва саноят намуналарини, селекция ютуқларини, интеграл микросхемалар топологияларини, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш билан боғлиқ апелляцияларни судгача қўриб чиқувчи коллегиял орган сифатида амалга оширади.

Апелляция кенгашига Адлия вазири раис ҳисобланади ва кенгаш таркибига интеллектуал мулк соҳасидаги мустақил олимлар ва мутахассислар киради.

Апелляция кенгаши апелляцияларни ёки аризаларни қаноатлантириш, қисман қаноатлантириш апелляцияларини, аризаларни ёки қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида қарорлар қабул қилади. Апелляция кенгаши қабул қилинган қарорларнинг асосланганлигини ва қонунийлигини таъминлайди. Шунингдек, Апелляция кенгаши қарори юзасидан қарор қабул қилинган санадан бошлаб олти ой мобайнида судга шикоят қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳуқуқий муҳофазага эга

бўлмаган белги юридик ёки жисмоний шахснинг товарлари истеъмолчилар орасида маълум бўлса, у ҳаммага маълум товар белгиси, деб эътироф этилади.

Товар белгилари ҳам рақамли муҳитда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, уларнинг бу ерда қўлланиши реклама ва маркетинг стратегиялари билан биргалликда истеъмолчига товарлар ва хизматларни идентификация қилиш имконини беради. Шу билан бирга товар белгилари интеллектуал мулк объектлари сифатида, улардан оқонуний фойдаланиш ва уларга бўлган ҳуқуқларнинг бузилиши нуқтаи назаридан ҳимояга янада муҳтож бўлиб қолади. Натижада товар белгиларининг эгалари уларнинг муҳофазаси учун катта маблағ сарфлашга мажбур бўлади.

“Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 32⁻моддасига асосан, ҳаммага маълум товар белгисига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Апелляция кенгашининг қарори асосида ҳуқуқий муҳофаза берилди. Ҳаммага маълум деб эътироф этилган товар белгиси Агентлик томонидан ҳаммага маълум товар белгилари рўйхатида киритилади. Ҳаммага маълум товар белгисига тааллуқли бўлган маълумотлар Ҳаммага маълум товар белгилари рўйхатига киритилгандан кейин Агентликнинг расмий ахборотномасида эълон қилинади. Эълон қилинадиган

маълумотлар таркиби Агентлик томонидан белгиланади.

Ҳаммага маълум товар белгисига гувоҳнома бериш товар белгиси товар белгилари рўйхатига киритилган санадан эътиборан ўн кун ичида Агентлик томонидан амалга оширилади. Гувоҳноманинг шакли ва унда кўрсатиладиган маълумотлар таркиби Агентлик томонидан белгиланади.

Ҳаммага маълум товар белгисининг ҳуқуқий муҳофазаси муддатсиз амал қилади.

Қарорга мувофиқ, қуйидаги мезонларга мос товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгиси Ўзбекистонда ҳаммага маълум деб эътироф этилади:

- товар белгиси қўлланиладиган товарлар ёки хизматларнинг тури истеъмолчилар, уни тарқатадиганлар ёки унга алоқадор ишбилармонлар доирасида таниб олиниши;
- аввалдан хос бўлган ёки фалол фойдаланиш натижасида вужудга келган юқори фарқлаш хусусияти;
- Ўзбекистон ҳудудида, Интернет тармоғининг миллий сегмент домен номлари тизимида товар белгисидан кенг фойдаланиш ва унинг реклама қилиниши;
- республикада узоқ муддат давомида ва фалол фойдаланиш натижасида вужудга келган тижорат қиймати.

**“Инсон ва қонун” муҳбири
Мадина ҲАМДАМОВА
тайёрлади.**

БИЗ меҳнат ҳуқуқларимизни биламизми? Саволни сал бошқачароқ қўйиш ҳам мумкин. Меҳнат ҳуқуқларимиз айни дам бузилмаяптими? Бундай муаммоларни ўртага ташлашимизга жўяли сабаблар бор. Аксарият ҳолларда омма орасида иш берувчининг адолатсизлиги, меҳнат жараёнидаги ноҳақликлардан гапирилади. Албатта, бундай вазиятларда ҳуқуқий саводхонлигимиз ҳали анча қуйида эканлигини пешлаган ҳолда айбни ўз меҳнат ҳуқуқини билмаган ишчига тўлаллигича ағдариб қўя қолишимиз ҳам мумкин. Бироқ меҳнат ҳуқуқларини яши билган ва билгани учун ҳам таъйиққа учраган, алаоқиқбат, “балагон”лиги туфайли ишдан ажралиб қолганларни кўриб нима дейиш мумкин? Бу ҳолатга қандай баҳо берса бўлади? Умуман олганда ундайларга қарата: “илоннинг думини босмай, тинчгина мум тишласанг бўлмасиди”, деса ҳам бўлади. Лекин биз қачонгача оғзимизни кафтими билан беркитамиз? Азбаройи ҳайдалишдан чўчиб ишдаги камчиликларни хаспўшлаб юриверимиз керакми?

Маълумот учун

Тахририятимизга Мажбурий ижро бюроси Сергели туман бўлими собиқ давлат ижрочиси Ботир Абилайхондан шикоят хати келиб тушди. Фуқаронинг баён қилишича, у 2017 йил июль ойидан МИБ Сергели туман бўлимида давлат ижрочиси вазифасида ишлаб келган. 2018 йил май ойидан эса ўз вазифасидан озод этилган. Мурожаатнинг асл сабаби мана шу ерда. Фуқаро бир йилдан зиёд вақт ўтибдики, ўзи учун семимли бўлган ва унга ризқ-насиба келтирган ишдан нима сабабдан бўшатиб юборишганини тушунмайди. “Инсон ва қонун” тахририяти томонидан мазкур масала бўйича журналист суриштируви ўтказилди.

Рейтинги юқори бўлса... нега ишдан олинди?

Ишни, аввало, Б.Абилхайиروف аслида қандай ҳодим бўлганлиги, хулқ-аъвори, иш юритишу, бошқача айтганда, давлат ижрочилари орасида унинг “рейтинги” қайси ўринда бўлганлигини аниқлашдан бошладик. Аввало, Миробод туман “Янги замон” маҳалла идорасидан Б.Абилхайиروفга ҳалол ва меҳнатсевар, масъулиятли инсон эканлиги ҳақида тавсиф берилди.

Ундан сўнг Мажбурий ижро бюроси Тошкент шаҳар бошқармасининг тегишли ҳужжатларидан айрим ижрочилар томонидан бир ой ичида 100, 50, 30 ва, ҳатто 10 та ижро амалга оширилган бир вақтда Б.Абилхайиروف 831 та ижро ҳужжатларини тамомланганлиги аниқланди. Улар томонидан Б.Абилхайиروف ва бир неча давлат ижрочиларининг иши кўпчиликка намуна сифатида кўрсатилган. Демак, хизмат вазифасини бажаришда ҳам фуқаро сиз қидилдан меҳнат қилган ва аъло натижаларга эришган. Савол туғилади: у ҳолда шундай керакли кадр нега ишдан бўшатилиди?

Аризачининг ҳикоя қилишича, бошқа бўлимга ўтказмоқчи бўлишганда рад этгани учун раҳбарларга унинг устидан “иш вақтида жойида бўлмаган”, “ишга кечикиб келган” каби вазвлар билан асоссиз билдиргилар киртилган. Ишонч билан асоссиз, дейишимизга сабаб бор. Ходимларнинг қайд дафтари (бир неча нусхаси)ни кўрганимизда Абилайхоннинг ишга келган вақти деярли ҳаммиса соат 8:00 билан

8:30 оралиғида, ишдан кетиш вақти 22:00 дан 23:00 оралиғида бўлганлиги гувоҳ бўлди.

Абилхайиروف ишдан бўшатилишидан бир оз мuddат олдин бўлим бошлиғи ва раҳбари устидан МИБ Тошкент шаҳар бошқармасига шикоят хати йўллади. Шикоятда МИБ Сергели туман бўлими раҳбарлари ахлоқ-одоб қоидаларига риоя этмасдан, кўл остидаги ишчиларига ниҳоятда кўпол муносабатда бўлаётгани, бу уларнинг иш унумдорлигига салбий таъсир қилаётгани ҳақида баён этилади. Ушбу шикоят аризаси юзасидан МИБ Сергели туман бўлимида Мажбурий ижро бюроси Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан хизмат текшируви ўтказилди. Шикоятда кўрсатилган вазвлар ўз тасдиғини топади шекли, бўлим раҳбарларидан бирига интизомий жазо белгиланади. Бироқ шу пайтнинг ўзида улар устидан шикоят қилган Б.Абилхайиروفга ҳам МИБ Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан ишдан бўшашлиги ўқтирилади. Табиийки, фуқаро бунга рози бўлмайди ва ўз хоҳиши билан ишдан бўшамайди.

Абилхайиروفнинг ишдан бўшатилиши меҳнат қонунчилигига зид(ми)?

Албатта, иш берувчи ходимдан юқори кўрсаткичда ишни талаб қилишга, ўрни келганда асосли равишда уни ишдан озод қилишга ҳақли. Аммо бизни жуда ҳам ҳайратга солган ҳолат шуки, фуқаро меҳнат қонунчилиги талабларига мутлақо зид равишда ишдан бўшатишган. Хўш, қайси асослар билан? Бирма-бир кўриб чиқамиз: биринчидан, Б.Абилхайиروف меҳнатга лаёқатсизлик даврида бўлганда ишдан бўшатишган. Бу Меҳнат кодексига тўғри келмайди. Меҳнат кодексининг 100-моддаси учинчи қисмида ходим вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даврида ва меҳнат тўғрисидаги қонунлар ҳамда бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган таътиллarda бўлган даврида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмаслиги белгиланган. Иккинчидан, Б.Абилхайиروفнинг иштирокисиз унга нисбатан хизмат текшируви ўтказилган ва у текширув хулосаси билан

таништирилмаган. Учунчидан, МИБ Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғининг давлат ижрочиси Б.Абилхайиروفни ишдан озод этиш тўғрисидаги 1000-сонли буйруғида Меҳнат кодексидан бирорта ҳам модда асос қилиб келтирилмаган. Ваҳоланки, мазкур кодекснинг 107-моддасига кўра, иш берувчининг буйруғида меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари 87, 89, 97, 100, 105, 106-моддалар таърифига ёки меҳнат шартномасини бекор қилишнинг қўшимча асосларини назарда тутуви бошқа норматив ҳужжатлар таърифига тўла мувофиқ ҳолда ёзилиб, кодекснинг ёхуд бошқа норматив ҳужжатларнинг тегишли моддаси далил қилиб кўрсатилиши керак эди.

Бундан ташқари, “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Мажбурий ижро бюросида ва Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминлаши устидан назорат қилиш инспекциясида хизматни ўташ тўғрисида”ги Низомнинг 36-бандида ходимларга нисбатан интизомий жазолар ўз хизмат вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги, Бюро ва инспекция ходими деган номга доғ туширадиган ноҳўя хатти-ҳаракат содир этганлиги учун қўлланилиши белгиланган. Низомнинг 37-бандида эса хизмат вазифаларини бир марта кўпол равишда бузиш ҳолатлари сифатида қуйидагилар келтирилган: узрли сабабларсиз проғул қилиш (шу жумладан, иш кўни мобайнида уч соатдан ортқ хизматда бўлмаслик); хизматга маст ҳолда келиш, шунингдек, иш жойида спиртли ичимликлар истеъмол қилиш, жиноий жазоланганидан қилмиш ёки ноҳўя хатти-ҳаракатлар содир этиш; қасамёдни бузиш. Ходимни ишдан бўшатишга ҳам айнан шу Низомнинг мазкур 36-37-бандлари асос қилиб келтирилган. Лекин фуқаронинг яқинлари ва ҳамкасблари билан суҳбатлашганимизда у ҳеч қачон тартиб-интизомни бузмаганлиги, бундай хусусият унинг табиатида ёт эканлигини айтишди. Ўзбекистон Давлат маъсасаларини ва жамоат хизмати ходимлари қасаба уюшмаси республика кенгаши томонидан ушбу фуқаронинг ишдан бўшатилиши юзасидан олиб берилган ўрганиш натижасига кўра ҳам Низомнинг 36-37-бандларидаги асосларнинг биронтаси Б.Абилхайиروفни лавозимидан озод этиш бўйича кўрсатилган хизмат текшируви билан боғлиқ эмаслиги аниқланган.

Ҳуқуқий асоссиз изоҳ

Албатта, Абилайхоннинг ўзининг ишдан бўшатилиши билан боғлиқ мазкур ҳолатдан норози бўлиб Бюро раҳбариятига ва кўплаб тегишли юқори органларга мурожаат қилади. Унинг ҳуқуқларини айни дам фақатгина Ўзбекистон Қасаба уюшмалари Федерацияси қаттиқ туриб ҳимоя қилаяпти. Федерация Бош прокуратура хузуридаги Мажбурий ижро бюросига Абилайхоннинг устидан чиқарилган мазкур буйруқ меҳнат қонунчилигига зид эканлигини таъкидлаб, бир неча бор буйруқни бекор қилиш ҳақида тақдимнома киритади. Аммо бу сўровларга ва мурожаат муаллифи қайтарилган жавобларда бир мунча мантиқсиз ҳолатлар борлиги ойдинлашди. Эътибор беринг, Мажбурий ижро бюроси Қасаба уюшмаси республика кенгашига ва Абилайхонга жавоб йўллаяпти: “Ўрганиш жараёнида Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармасининг 12.07.2018 йилги хатида Б.Абилайхоннинг вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси 28.05.2018 йилда соат 13:00 ва 14:00 оралиғида очилганлиги маълум қилинган”. Мазкур жавоб хатида негадир юқори орган Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Давлат Меҳнат инспекцияси хулосасига эмас, Яшнобод туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказининг ғаройиб изохига таянган. Бандликка кўмаклашиш марказининг фикрига кўра, ходимга куннинг иккинчи ярмида меҳнатга лаёқатсизлик варақаси очилган, бироқ уни ишдан бўшатиш тўғрисидаги буйруқ куннинг биринчи ярмида расмийлаштирилган бўлса, буйруқ юридик жиҳатдан тўғри расмийлаштирилган бўлар эмиш. Очиғи, бу содда, жўн, анчайин кулгили ҳам бўлган жавобни ўқиб нима деб ўйлашни билмайсиз. Меҳнат қонунчилиги билан боғлиқ қайси норматив ҳужжатда меҳнатга лаёқатсизлик варақасини куннинг қайсидир қисмида берилганлигини ҳисобга олиш кўрсатилган? Умуман, меҳнатга қобилиятсизлик варақаси (больнични)да санадан ташқари соат, дақиқа ва сониялар ҳам кўрсатилганини қаредда, қачон кўрганисиз? Бу ҳужжатда фақат сана кўрсатилади, холос. Фуқарога куннинг қайси қисмида меҳнатга қобилиятсизлик варақаси очилган бўлишига қарамай, ўша сана ҳисобга олинади, шекилли?! Ёки қонунчиликда биз билмаган бирор ўзгаришлар содир бўлдими? Яшнобод туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказида бу антиқа жавоб хатини ким тайёрлаган экан? Аслида, Бандликка кўмаклашиш марказининг ишдан бўша-

тилган МИБ ходимининг буйруғини ўз кўнглича “ҳуқуқий экспертиза”дан ўтказишга қай даражада ваколати бор экан? Нега Мажбурий ижро бюроси марказининг ҳеч бир ҳуқуқий асос келтирилмаган изохига таянмоқда? Агар шу антиқа “экспертиза иши” тўғри деб ҳисобланганда ҳам (бу албатта ҳазил) бизнинг қўлимиздаги ҳужжатларда Миробод туман 3-оилавий поликлиника бош шифокорининг Б.Абилайхоннинг 28.05.2018 йил соат 7:45 да соғлиғи ёмонлашгани тўғрисида поликлиникага мурожаат қилганлиги ҳақидаги маълумоти бор. Поликлиниканинг маълум қилишича, Б.Абилайхонга соғлиғи ёмонлашгани учун шу заҳоти меҳнатга қобилиятсизлик варақаси очилган.

Судлар нега бу ишни кўрмайди?

Сизда савол туғилган бўлса керак. Хўш, шунча муаммо экан, Абилайхоннинг қўлида асосли фактлар бор экан, нега у судга мурожаат қилмайди? Меҳнат низоларини ҳал этишнинг энг мақбул йўли суд тартиби эмасми? Қолаверса, бугун адолатли ва шаффоф суд тизимини яратишга қаттиқ киршидик.

Ўринли савол. Абилайхоннинг судга ҳам мурожаат қилди. Бироқ бу ерда ҳам унга иккита суд органи ўртасида ҳалак бўлишдан бошқа нарса насиб этмади. Маъмурий судга борганда унга фуқаролик судига, фуқаролик судига борганда маъмурий судга мурожаат қилиши кераклиги тушунтирилди. Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Миробод туманлараро суди, Тошкент шаҳар Юнусобод туман маъмурий суди ва фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг апелляция инстанциясида Абилайхоннинг ишга тиклаш тўғрисидаги даъво аризаси бирдек қаноатланмади. Судлар тегишли Низомнинг 72-бандига кўра, Бюро ходимларининг меҳнат низолари Бош прокурор ва Бюро директори томонидан кўриб чиқиши кераклигини дастак қилишмоқда. Тўғри, низомда шундай дейилган. Лекин бу МИБ ходимларининг ишини суд умуман кўрмайди, деганими? Қонунчилигимизда бундай норма бормикин?

Хулоса

Қўлимиздаги ҳужжатларга таянилса, кўп нарса Абилайхоннинг ҳақлигини исботлаётган бўлса-да, иккинчи томоннинг ҳам айрича фикри бўлиши мумкинлигини унутмаслик керак. Шу мақсадда МИБ Сергели туман бўлимида бўлди. Ходимлар билан гаплашиб, бизга мурожаат қилган давлат ижрочиси қандай ишлагани ҳақида тасаввур ҳосил қилиш эди, ниятиمиз. У ерда куннинг тенг ярмича вақт кетди (Абилайхоннинг танийдиган ходимни топишга). Вақт майлику-ю, жўяли жавоб бўлмаганидан ранжидик. Узоқ давом этган мажлислардан сўнг, ким билан гаплашмайлик, бу ходимни танимаслигини айтарди. Тўғри, бир йил давомида бўлим раҳбарлари ўзгарибди, лекин ижрочилар ўша-ўша. Хуллас, бир ижрочи бошқасига, униса яна бошқасига йўлади бизни. Ҳаммаларининг жавоби эса худди ўргатиб қўйилгандай бир хил: “У яхши, ўртача ходим эди, мен ўзи у билан кўп ишламаганман, яхшиси, фалончидан бориб сўранг”.

Ниятиمиз Ўзбекистон Республикасининг меҳнаткаш бир фуқаросига холос ёрдан кўрсатиш. Ҳали 30 ёшга ҳам тўлмаган ёш, гайратли йигит. У “ишлайман”, деб куч-ғайратга тўлиб турган бўлса-ю, энди уни ҳеч бир идора қабул қилмаса? Мамаклат ривож учун керакли ёш ишчи кучини шу тартика бодуб қилмасми? Тегишли идоралардан ушбу саволларга жавоб кутамиз.

Мадҳия АБАЗОВА,
“Инсон ва қонун” муҳбири

“Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги

Қонуннинг янги таҳририга қанчалик зарурат бор?



**Хидирали
СОДИҚОВ,
Адлия вазирлиги
масъул ходими:**

— Қонун ҳужжатлари лойиҳалари муҳокамаси портали — regulation.gov.uz сайтида “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳрири кенг жамоатчилик муҳокамаси учун жойлаштирилди.

ДОЛЗАРБЛИГИ НИМАДА?

Сўнгги йилларда мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар барча жабҳаларда, шу жумладан, давлат бошқаруви асосларини, уларнинг мақсад ва вазифаларини аниқ белгилаб қўйиш, шунингдек, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларга ҳамроҳлиги нуктаи назардан янгидан кўриб чиқишни талаб этмоқда.

Шунинг учун, Вазирлар Маҳкамасининг фаолиятини янада аниқлаштириб белгилаб қўйиш кўйидаги асосларга кўра долзарбдир:

- амалдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Қонун 2003 йилда қабул қилинган бўлиб, унинг нормалари Ҳукумат фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тўлиқ қамраб олмаган;
- бугунги кунда 200 дан ортиқ қонун ҳужжатларида Вазирлар Маҳкамасининг мингдан ортиқ ваколатлари белгиланган бўлиб, ушбу ваколатларни самарали амалга оширишда бир қанча мураккабликларни келтириб чиқармоқда;
- Ҳукуматнинг инвестиция, таълим, илм-фан, соғлиқни сақлаш, экология, ташқи иқтисодий ҳудудларни ривожлантириш, ташқи сийосат фаолият, ахборот технологиялари, мудофаа ва хавфсизлик соҳаларидаги ваколатлари аниқ белгиланмаган;
- Вазирлар Маҳкамаси аъзоларининг ўзига бириктирилган аниқ соҳа ва тармоқлар учун жавобгарлиги ҳамда уларни баҳолаш мезонлари тартибга солинмаган;
- Ҳукуматнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлигининг самарали механизмлари мустаҳкамланмаган.

Кўришимиз мумкинки, ушбу қонун ҳужжатини қабул қилиш долзарб аҳамиятга эга. Мазкур қонун ҳужжатининг лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида хорижий давлатларнинг ижро ҳокимияти фаолиятининг ҳуқуқий асосларини белгилашдаги самарали тажрибаси инobatта олинганлиги ҳам алоҳида эътироф этишимиз лозим. Жумладан, Франция, Литва, Латвия, Эстония, Россия Федерацияси, Беларусь, Украина, Грузия, Арманистон ва Молдова давлатларининг тажрибаси ўрганилган бўлиб, миллий давлатчилик тажрибамизга уйғунлаштирилган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини такомиллаштириш бўйича янги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган.

ҚАНДАЙ ОФЗАЛЛИКЛАР КУЗАТИЛАДИ?

Мазкур қонун ҳужжатини янги таҳрирда қабул қилиш орқали кўйидаги самарали натижаларга эришилади:

Вазирлар Маҳкамасини ташкил этишнинг сифат жиҳатидан янги, самарали усуллари ва замонавий механизмлари жорий этилади;

- Ҳукумат аъзоларининг давлат сийосати амалга оширилиши ва бириктирилган соҳаларда аниқ натижаларга эришиш учун шахсий масъулияти оширилади;
- Вазирлар Маҳкамасининг тармоқ ва соҳалардаги ваколатлари аниқ белгилаб берилган ҳолда, унинг ушбу соҳаларни ривожлантириш бўйича жавобгарлиги кучайтирилади;
- ушбу муносабатларни тартибга солиш турли даражадаги қонун ҳужжатлари тўғрисидаги аниқ қиладиган қонунда мужассамлашади;
- соҳага доир ҳуқуқни қўллаш амалиётининг аниқ ва бир хилда бўлиши таъминланади.

Шу билан бирга айтиб ўтишимиз мумкинки, мазкур ҳужжатда Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Президенти ва унинг Администрацияси, судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда сийосий партиялар билан ўзаро муносабатлари, ҳар бир соҳа бўйича ваколатлари ҳамда фаолиятини ташкиллаштириш тартиби белгиланган бўлиб, қонуннинг янги таҳрири тасдиқланса Ҳукумат фаолиятини тартибга солишчи 30 га яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг яхлит ҳолга келтирилиши таъминланади.

Бундан ташқари, қонун ҳужжати Конституция ва қонунларнинг устуңлиги, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлаш, ҳокимият тармоқларининг бўлиниши ва ҳамкорлиги, очиқлик ва шаффоқлик каби тамойиллар билан тўлдирилмоқдаки, бу жараён Вазирлар Маҳкамаси фаолиятининг жамият ва фуқаролар учун очиқлигини таъминлашга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши, бугунги кунда ижро этувчи ҳокимият тизимида кузатилаётган бир қатор муаммо ва камчиликларни ижобий томонга ўзгартириш, унинг фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ мураккаб механизмларни бартараф этишга хизмат қилади.

ҲУКУМАТНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ ЯНАДА КЕНГАЙДИ



**Халилжон
ХАЛИЛОВ,
Адлия вазирлиги
масъул ходими:**

— Ушбу қонун лойиҳасида Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи ҳокимият сифатида давлат бошқарувидаги фаолият йўналишлари янада аниқлаштирилмоқда. Шу билан бирга, Бош вазир ўринбосарлари билан биргаликда Бош вазир маслаҳатчилари ҳуқуқий институти жорий қилинмоқда.

Жумладан, Бош вазир маслаҳатчилари:

- ваколатига киритилган тегишли йўналишлар ва масалалар бўйича Бош вазирга таклифларнинг пухта ишлаб чиқилишини, экспертизадан ўтказилишини ва тайёрлигини таъминлайди, шунингдек, ушбу масалалар учун шахсан жавобгар ҳисобланади;
- қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва топшириқлари, Вазирлар Маҳкамаси қа-

рорларининг сифатли ва ўз вақтида бажарилиши чораларини кўради;

- ўз ваколатлари доирасида вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини умумий мувофиқлаштиради;
- қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа вазифаларни бажаради.

Шунингдек, амалдаги Қонунда Бош вазир фақат ҳукуматлараро шартномалар ва битимларни имзолаш ваколатига эга эканлиги айtilган бўлса, Қонуннинг янги таҳририга кўра Бош Вазирнинг Ҳукумат номидан халқаро шартномаларни ҳам имзолаш ваколати бўлади. Хорижий тажриба шуни кўрсатадики, ижро этувчи ҳокимият ташқи алоқаларни ўрнатилган ва фаол ташқи давлат сийосатини олиб боришда ўз ўрнига эга бўлиши лозим, бу эса давлатнинг комплекс ривожланишига, жумладан, ижро этувчи ҳокимият механизмининг самардорлигига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди.

Эътиборга молик жиҳат шундаки, янги қонун лойиҳасида Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлар доираси аниқлаштирилган шаклда келтирилмоқда. Бу эса Вазирлар Маҳкамаси тарихи аъзоларининг ваколат ва мажбуриятларини, шунингдек, давлат сийосатини олиб бориш жараёнида уларнинг масъулиятини оширишга хизмат қилади. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг:

- иқтисодий соҳасидаги;
- бюджет, молия, кредит ва пул сийосати-

- амалга ошириш соҳасидаги;
- ижтимоий соҳасидаги;
- маданий-гуманитар соҳасидаги;
- ҳудудларни ривожлантириш соҳасидаги;
- экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги;
- ташқи сийосатни амалга ошириш ва халқаро алоқаларни ривожлантириш соҳасидаги;
- инвестициялар ва ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги;
- ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш соҳасидаги;
- жамоат тартибини сақлаш, давлат хавфсизлиги ва мудофаа қобилиятини таъминлаш соҳасидаги ваколатлари ва фаолият доираси аниқ белгиланмоқда.


Бундан ташқари, лойиҳада Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва унинг Администрацияси, судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва ҳарбийлаштирилган тузилмалар, бошқа давлат органлари ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги масалалари алоҳида боб шаклида келтирилган бўлиб, Ҳукуматнинг бошқа давлат бошқаруви органлари билан муносабатларининг тартибга солинганлиги давлат сийосатини шакллантириш ва уни олиб бориш жараёнининг оsonлаштиришига олиб келади.

Ўз муҳбиримиз

АДЛИЯ БЎЛИМЛАРИ ФАОЛИЯТИДАН

СОАТБАЙ ҲАҚ ТЎЛАШ МИҚДОРЛАРИ ОШИРИЛГАН. Аммо...

ШАЙХОҲТОХУР туман адлия бўлими томонидан ўзига юклатилган вазифаларни бажариш борасида амалга оширилган таҳлиллар натижасида тумандаги умумий ўрта таълим мактаблари ва касб-ҳунар коллежларида соатбай дарс бериб келаётган бир қанча ўқитувчиларнинг соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари оширилган бўлса-да, ўтилган дарс соатлари учун қайта ҳисоб-китоб қилиб берилмаётганлиги аниқланди.



Маълумки, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2019 йил 10 апрелдаги “Ўқув машғулотларини ўтказгандаги ўқув меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори тасдиқланган.

Ушбу қарорга ўқув меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорларини тасдиқлаш тўғрисидаги қарори тасдиқланган. Ушбу қарорга 2018 йил 1 ноябрдан (агар улар профессор ёки доцент илмий даражасига эга бўлмасалар) ўтилган соатлар учун қўшимча нарх билан қайтадан ҳисоб-китоб қилиниши лозим.

Бироқ таҳлиллар натижасида аниқланишича, тумандаги 31 та умумий ўрта таълим мактабларида ва касб-ҳунар коллежларида соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари оширилган

бўлса-да, жами 70 нафардан ортиқ ўқитувчиларга соатбай асосда дарс соатлари ўтганликлари амалда ҳисобга олинмаган.

Туман адлия бўлими томонидан киритилган тақдирномалар натижасида бугунги кунда таълим муассасасида ўриндошлик асосида ишлаб, соатбай дарс ўтиб келаётган ўқитувчиларнинг иш ҳақлари Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2019 йил 10 апрелдаги қўшма қарорига асосан қайта ҳисоб-китоб қилиниши таъминланди.

**А.НУРИЛЛАЕВ,
Шайхонтохур туман адлия
бўлими катта маслаҳатчиси**



ҲАДИСИ шарифда битилишича, Муҳаммад с.а.в "Гўдаклардан жаннат иси келади", деган эканлар.

Сўнги йилларда аёллар томонидан ўз боласини сотиш, турли йўллар билан жонига қасд қилиш, норасидаларга зулм ўтказиш каби мудҳиш жиноятлар тафсилоти қўлогимизга чалиниб турибди. Хусусан, Фарғонада аёл аталмиш кимса томонидан ўз боласини бўғиб ўлдириши билан боғлиқ қабоҳат атрофида кўтарилган шов-шувлар эндигина тинаёзган бир вақтда, нафақат, миллатимиз ва жамиятимиз, балки бутун инсоният учун шармандал яна бир жиноят содир этилди. Сурхон воқасида биз фариштага менгзайдиган бегуноҳ гўдак ўлимга маҳкум қилиниб, ҳожатхонага ташлашни барчамизнинг қалбимизни ларзага келтирди. Аслида ҳар қайсики тирик жонни нажас ўрасига ташлашнинг ўзи кўз кўриб, қулоқ эшитмаган разолатдир. Ҳали ўн гулдан бир гули очилмаган, ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиб улгурмаган кизнинг олдиндан пухта ўйлаб қилган қилмишини оз бўлса-да юмшатиш, хаспўшлаш учун бир баҳона тополмай қийналади киши.

Бу мавзунинг охишдан мақсади-миз бундай чиркин воқеа атрофида янада шов-шув кўтариш ёки кимгадир қатъий ҳукми ўқий эмас. Балки оғоҳлик бонгини қайта-қайта қалишиди, токи меҳр-шафқат, қадр-қиммат ва масъулият ҳамиша ҳар нарсадан астувор турсин. Шу ўринда яна бир бор таъкидлаб ўтишни истар эдикки, ҳар қайсики ёвузликка қўл урган кимсалар вақти келиб олий ҳақкам билан юзма-юз келиши, унинг сўрови ва жавобгарлиги жуذا-жуذا оғир келишини билармикан?

Аёлнинг бор қудрати ва жозиба кучи унинг оналик муҳаббатидадир

"Жаннат оналар оёғи остидадир", дейилганда муборак Ҳадиси шарифда: "Сен барибир муқаддасан, муқаддас аёл", дея улуғланади қўшиқда. "Аёл жамият гўлтоғи", "Аёл дунё бешигини тебратувчи муҳтарама зот", дея таърифланади қадим замонлардан бери. Шу ўринда кўнглимиздан беихтиёр саволлар ўтади. Аёл аталмиш нозик хилқатни бундай юксак эътирофга сазовор қилган унинг гузаллигини, ақлу фаросатини ёки латофатини? Бунинг сир-синоати, сехри нимда? Бу саволларга буюк олмон донишманди, жаҳонга таниқли адиб ва файласуф И.В.Гётенинг қуйидаги сўзларидан жавоб топиш мумкин: "Аёлнинг бор қудрати ва жозиба кучи унинг оналик муҳаббатидадир".

Дарҳақиқат, ҳаққоний ва ҳаётий жавоб. Оналар меҳр-муҳаббати олдида ҳатто ўлим ҳам ожив, оналар қўкси ҳамиша фарзанди учун балоғардон. ...Бунга башариат тарихидан қўлаб мисолларни келтириш мумкин. Узоққа бормаёлик, 1988 йилда Арманистонда бўлиб ўтган кучли зилзила ва унинг дахшатли оқибатларини кўпчилик яхши эслайди. Спитак шаҳрида вайрон бўлган иморатлар тағида бир аёл ёш боласи билан 12 кун жон сақлаган. Қўтарувчилар улар-

БЕҲИШТ ГУЛЛАРИДАН ЮЗ БУРМАНГ УНИНГ СЎРОВИ ҲАМ, ЖАВОБИ ҲАМ ОҒИР КЕЛАДИ

ни олиб чиқишганида она ўлим ёқасида, 3 ёшли қизчаси эса унга нисбатан анча тетик бўлган. Кейинчалик маълум бўлишича, Она ўз томирини тишлари билан кесиб, қонини боласига ичирган, шу йўл билан унинг жонини сақлаб қолган. Арман аёли жасоратидан ҳайратга тушган, бунга қаҳрамонлик, дея атаган халқаро жамоатчилик ва ОАВларига берган интервьюсида "Менин ўрнимда бўлган ҳар бир аёл шундай йўл тутарди. Мен оналар қилиши лозим бўлган ишни қилдим холос", деган эди.

— Онаминг сиймосини гира-шира эслаيمان, — дея ҳикоя қилади "Бухенвальд" концлагерининг собиқ асир Юрченко Пётр Максимович "Онам ҳақидаги хотиралар" китобида — Немис фашистлари қишлоғимизга бостириб кирганида 3 ёшда эдим. Бизни бошқа асирларга қўшиб поездда қаёққадир олиб кетишганда онаминг бағрида эдик. Онам гоҳ чўнтақларини титкилаб, гоҳ қаерлардандир тимирскилиниб бир нималар топиб келар ва менинг оғзимга соларди. Манзилга етиб келганимизда мени онамдан айриришди. Онамини ишчилар, мени эса донорлар, яъни немис солдатлари учун қон топишувчи болаларга ажратилган хараба баракларга жойлаштиришди. Фарзандидан айрилишни истамай дод-фарёд қилган аёлларни фашистлар жойида отиб ташлашарди. Орамингдаги масофа тахминан 2-3 чакирим эди. Лагерда оналар ва болалар бир-бири билан қўришиши қатъий тақиқланган бўлиб, темир интизомни бузганлар учун сўзсиз ўлим муқаррар эди. Очлик ва қон топишувчи болаларнинг силласини қуритган, ҳар дақиқда ўнлаб болалар ётган жойидан туролмай ўлиб қоларди. Учинчи ёки тўртинчи тунда қўлогимга ўзимгагина таниш бўлган, жуذا паст шивирлаган овоз чалинди: — Ми-мо... Ми-имо. Онам мени эркалаганда шундай деб атарди. — Ойи, ойижон. Мен бу ердаянман. Мажолсизликдан судралиб ёғоч деворга ёпишдим. — Таш... секин Мимо. Худого шукр, тирик экансан. Сени кўп қидирдим.

Онам девор тирқишидан қўлимга бир дона хом картошка тутқазди. Нодир неъматни даярли чайнамай ютдим. Томиримга қон югургандай бўлди. Шу ондан бошлаб онам ҳар кунни тун яримдан оғиб, қоровулларни уйқу маҳв этган палла менга гоҳ яримта музлаган картошка ёки бир тишлан қора нон, гоҳида сабазот пўчоқларини келтирарди. Концлагерга мен билан келтирилган болаларнинг даярли барчаси очлик ва камқонликдан ўлиб кетишди. Урнига яна янглирини келтиришарди. Мениннг қилга осилиб турган ҳаётимни онаминг меҳр-муҳаббати асраб қолди. Онам ўзига берилган озгина егуликларни емасдан, жони-

ни хавф-хатарга қўйиб бўлса-да, менга ташмаллаганини кейинчалик тушуниб етдим. Азоб-уқубатли кунларнинг бирида онамини кута-кута кўзим илинди. Немис овчаркаларининг безовта ақиллашлари ва автоматнинг тариллашдан чўчиб уйғондим. Уша тунда онам келмади. Эрталаб тонгда солдатлар барагимиз яқинида ўлиб ётган бир аёлни судраб олиб кетишганганини ўша девор тирқишидан кўрдим. Аёлнинг мен томон қўзилган қўллари яримта картошкани маҳкам чангаллаб олган.

Биз кўникиб кетаверамизми?

Халқимиз энг улуг инсоний фазилатлари билан дунёга танилган халқ. Урушнинг азоб-уқубатли йилларида ҳам, очлик ва қаҳатчилик суяк-суякларига-га циркиратган кунларда ҳам миллийлигимиз, азалий қадриятларимизга ёт бўлган ҳар қандай иллатларга муросасиз бўлишган. Аждодларимиз юракларидан имону эътиқод ва меҳр-оқибат кучли бўлган-ки, аёллар шаъни жон қадар яқин, ор-номус, инсофу диёнати ҳар қандай орзу-ҳаваслардан юқори қўйишган. Санокли йиллар олдин ота-онаси тирик бўла туриб етимоналарда тарбияланаётган болалар мавзуси жамиятимиз учун оғриқли масала эди. Фарзандларини гоҳ яшарин, гоҳ ошқора болалар уйига ташлаб кетаётган ота-оналар қаттиқ қораланарди. Бундай иллатлар нафақат ўзи, маҳалла аҳли, кўни-кўшилар учун ҳам иснод саналган. Турли ОАВлар саҳифаларида ўзини бозорга солаётган енгилтак хотин-қизлар, қўлтуғ ошенини булғаган қўшмачи аёллар, ўн гулдан бири очилмаган бокира қизларни алдов йўли билан чет давлатдаги фоҳишахоналарга сотиш билан шугулланувчи "одам савдоси" қорчалонлари ҳақидаги мақолаларни ўқиб миллат шаъни ва қадр-қимматига чин дилдан ачинганимиз, юрагимиз оғрингани ҳали унут бўлганча йўқ. Бугун эса орамизда хитойлик, япониялик ёхуд бошқа бир хорижлик бой кишига турмушга чиққан қизлари билан фахрлиниб юрган ота-оналарга, чет давлатларда "бизнесини" гулла-летаётган ва бобоси тенги кекса миллиардер билан бир ёстиққа бов қўйган "тадбиркор қизлар"га ҳавас билан қарайдиган ҳамюртларимиз талайгина. Энг ачинарлики, турли ОАВ саҳифаларида ўз болаларини сотаётган аёллар ҳақидаги мақолаларни ҳам этимиз сексанмай ўқишга ўрганиб бораёғимиз. Қўрқса қўрқулик яна бир томони бир-бирдан дахшатли, бир-биридан шармандалли чиркин ҳолатлар биз учун тобора одатий ҳолга айланиб бораётган-дек, ҳайратлангирмай, ҳаяжонлангирмай қўйгандек, барчамизни кўникириб қўяётгандек.



Уша тунда онам келмади. Эрталаб тонгда солдатлар барагимиз яқинида ўлиб ётган бир аёлни судраб олиб кетишганганини ўша девор тирқишидан кўрдим. Аёлнинг мен томон қўзилган қўллари яримта картошкани маҳкам чангаллаб олган.

Бозорга солинган болалар

Яқинда тўқсонни қоралаган тоғамнинг кўзида ёш кўриб, тинчим бузилди. У киши ўқитган газетани газаб билан четта улоқтирар экан, кўз ёшини яширолмади. — Ҳўқиманг дейман-ку сизга. Мана энди яна икки уч кун қон босимингиз кўтарилиб юради, — дея жавради янга. Йигирма беш ёшли ўғил отасининг қўнгли бўшлиғидан қулган бўлди: — Э, шунга шунчами, нима, биринчи бор эшитаяспизми, бундай воқеаларни...

Қизиқсиниб газетани кўлимга олдим ва тоғамнинг кўнглини бузган мақолани ўқишга туттиндим. Унда адиджонлик аёлнинг саккиз ойлик ўғлини 1000 АҚШ долларига пуллаш мақсадида харидор излагани ва жигаргўшасини сотаётган вақтида қўлга олингани ҳақидаги тафсилот ёзилган экан.

— Одамлар бир тишлан нонга зор бўлган, очликдан силласи қуриб, кўча-кўйда ўлиб ётган кунларни кўрдим, лекин ўз фарзандини сотган бирор-бир одамни эшитмаган эдим, — деди тоғам куйиниб. — Атрофга қара, қандай фаровонлик. Машаққат йўқ, оврагарчилик йўқ, истаган ноз-неъмат тайёр. Овқатни танлаб есак, кийимни саралаб кийсак. Шундай тўкин-сочин замонда боласини сотиш ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайдиган қабоҳатдан бошқа нарса эмас.

Кескин, аёвсиз бўлса-да, тоғамнинг фикрига қўшилмай, жиянимнинг эътирозини ҳам эътироф этмай илож йўқ, деб ўйладим ва беихтиёр ёдимга ижтимоий тармоқларда қўзқориндай пайдо бўлаётган бу каби нохуш иллатлардан бири ёдимга тушди.

Қашқадарёлик Камола (исм-шарифлар ўзгартрилган) мактабни битиришга бардоши етмадими ёки истаги бўлмадими ўқишни тамоам йиғиштирди-да, тўсатдан Самарқандга отланди. Бошқа ўқимайман, — деди ўз тақдирига ўзи хўжайин қизи. — Самарқандда таниш дугоналарим офицант бўлиб ишлашяпти. Уларнинг олдида бориб, мен ҳам ишлайман. Унинг ота-онаси қиз бола ёлғиз ўзи қаерга кетаяпти, дугоналари кимлиги билан на қизиқиши, на эътироз билдиришди. Камоланинг таниш дугоналари ўзидан 5-6 ёш катта бўлиб, кўчада тасофиан танишиб қолишганди. 16 ёшли қиз улар яшаётган уйга келгач, бу оналарнинг ҳеч қаерда ишламай, машаққатда яшашларини билди. Лекин уни орқага қайтаргувчи, тўғри йўлга солгувчи кимса топилмади. Бу орада Камола ўзи танимаган, билмаган оилали йигитдан ҳомилдор бўлиб қолди. Илжосиз қолганда, яна "меҳрибон оналар" ёрдам қўлини чўзишди, яъни ҳали тўғилмаган гўдакка харидор топишди. "Ҳам шармандаликдан қутулмасан, ҳам яхшигина

пул ишлаб оласан", дейишди. Бу гап Камолага мойдек ёқиб тушди, ахир, унинг мақсади ҳам шу эди-да. Уддабурон қиз йигирма кунлик чақалогини 500 АҚШ долларига сотаётган пайтида қўллари га қишан солинди. Не ажабки, суд залидагина бола тақдирига бефарқ ота-она ва енгил ҳаётга иштиёқманд қизнинг кўзлари гўёки очилгандай бўлди.

Иллатнинг илдизи қаерда?

Доно халқимизнинг "Иллат иллатни чақиради", деган нақли бежиз айтилмаган. Бу ҳикмат замирида улкан ҳақиқат бар. Агар юқоридаги каби нохуш ҳолатларнинг келиб чиқиш сабабларига бир қур назар ташлайдиган бўлсак, маънавий қашшоқлик ва маърифатсизлик, миллий қадриятларимизни билмаслик ёки писанд қилмаслик, қўпол қилиб айтганда, ор-номус, масъулият ва меҳр-шафқат каби энг оддий инсонийлик тушунчалардан мосуволик манамен, деб турганини кўриш қийин эмас.

Зотан, арзимас пулга сотилган, ахлатхона ва ҳожатхонага ташлаб кетилган болалар аслида номуссизлик ва баднафслик қурбонларидир. Тўғри йўлдан адашган ўғил-қизларимизнинг жиноий қилмишлари, аввало, ота-она, маҳалла, мактаб ва бошқа тегишли мутасадди ташкилотлар, масъул ходимларнинг масъулиятсизлиги, касбий бурч ва вазифаларига "мендан кетди, эгасига етди" қабилида ёндашишлари, бир-биримизнинг тақдиримизга лоқайдлигимиз мевалари, десак муболаға бўлмас.

Очиғи, ёғинамизда яшайдиган айрим кўни-кўшиларимизнинг номуссизлик, қўшмачилик каби "бизнес" фаолиятини кўрмаймиз, эшитмаймиз. Сабаби, бир сўз дейишга оғиз ростлаган "ёзувчи"лар ва "ичи қора"ларнинг оғизларига урадиган бойвучча "тадбиркорлар" олдида ҳаттоки айрим маҳалла, ички ишлар ва бошқа тегишли мутасадди ташкилот ходимларининг тили қисқлигидан хижолат тортаёмиз-да.

Шуқри, миллат шаъни, ёшлар тақдирини, комил инсон таълим-тарбиясига жонқур ҳамюртларимиз кўпчиликини ташкил этади. Улардан бирири оилада, ўқув муассасаларида азалий қадриятларимиз манбаи бўлиши ислом таълимотиға кенгроқ эътибор қаратиш керак, деган фикрда. Бу борадаги бурч ва масъулиятни янада кучайтириш ҳамда жавобгарлик таъсир чораларини қатъий белгилаш тарафдорлари ҳам талайгина.

Фарида ҚОРАҚУЛОВА,
"Инсон ва қонун" муҳбири


ЮРТИМИЗДА ислохотлар тобора жадаллашиб бораётган бир вақтда, ҳар қандай қабул қилинаётган ҳужжатлар ўзига хос хусусиятга эга бўлмоқда. Хусусан, Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида мувофиқ Адлия вазирлиги томонидан 2019-2020 йиллар давомида коррупцияга қарши курашиш мақсадида махсус дастур қабул қилинди.

Адлия вазирининг 2019 йил 12 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг "Очиқ адлия" ("Open Justice") дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги буйруғи ҳамда мазкур буйруқ билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг "Очиқ адлия" дастурини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси"нинг ишлаб чиқиши Адлия вазирлиги ва ҳудудий адлия идоралари томонидан коррупцияга қарши курашишнинг самарали ва кулай механизми яратилишига ҳисса қўшди.

Фармон доирасида Адлия вазири томонидан коррупцияга қарши курашиш бўйича республика махсус гуруҳига ахборот бериш ҳамда коррупция ҳақида билган ёки эшитган фуқароларни рағбатлантириш

“СИРЛИ МИЖОЗ” ТАДБИРИДА

18 нафар ходим интизомий жазога тортилди



масаласи жорий этилди.

Шу турдаги ҳуқуқбузарлик ҳолатлари ҳақидаги хабарлар ўз вақтида ётказилишини ва дарҳол ушбу ҳолатларни аниқлаш, уларнинг оқибатларини, имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларнинг бар-тарофи этилишини таъминлашга қўшимча имконият яратиш мақсадида телеграм ижтимоий тармоғида "@antikorbot" номли махсус бот яратилди. Мазкур бот ҳақидаги эълонлар вилоятимизнинг барча ҳудудларига ётказилиб, телевидение орқали махсус роликлар намойиш этилди.

Нотариат тизимида юзага келаятган коррупцион ҳолатларнинг олдини олиш учун давлат божи, герб йиғими ва пуллик хизмат тўловларини электрон мобил иловалар орқали тўлаш, автома-

тик тарзда хизматлар учун нархларни шакллантириш тизими жорий этилиб, нотариат ходимларининг ҳалол ва тўғри ишлашдан манфаатдорлигини ошириш мақсадида нотариусларга ўзлари томонидан ундирилган пуллик хизматнинг 80 фоизигача миқдоридан рағбатлантириш бўйича усталар бериб келинмоқда. Шунингдек, жорий йилнинг 1 июнь кунидан эътиборан давлат нотариал идоралари ходимлари томонидан коррупциянинг олдини олиш мақсадида СМС информатор дастури ишга туширилди.

Жорий йилнинг 1-ярим йилиги давомида Наманган вилояти адлия бошқармаси ҳамда унинг тизимидаги идораларда ишловчи жами 63 нафар ходим билан индивидуал тарзда профилактик суҳбатлар ўтка-


зилиб, 18 мартаба рейд тадбирлари, 8 мартаба "сирли мижоз" тадбирлари ўтказилди. Мазкур тадбирлар натижасида жами 18 нафар ходимга нисбатан интизомий жазо чораси қўлланилди.

Ушбу режаларни амалга ошириш орқали адлия органлари ва муассасалари ходимларининг касбий ҳамда хизматдан ташқари фаолиятдаги одоб-ахлоқини юксалтириш, шунингдек, адлия органлари ва муассасаларининг фаолиятида коррупциянинг олдини олишга доир тадбирларнинг самарадорлигини таъминлаш каби юксак натижалар кутилмоқда.

Хайрулла САБИРОВ,
Наманган вилоят адлия бошқармаси бошлиғи

Адлия БУЛИМЛАРИ
ФАОЛИЯТИДАН

ТАДБИРКОРГА ЕР АЖРАТИЛДИ



ТЕРМИЗ туман адлия бўлимига Термиз тумани "Янги ҳаёт" маҳалласида яшовчи фуқаро Файзулло Қодировдан шикоят аризаси келиб тушди. Унга кўра, Ф.Қодиров "Янги ҳаёт" маҳалласи ҳудудида жойлашган жами 74,69 м.кв. ер майдонидаги савдо дўконига Термиз туман ҳокимининг 2004 йил 29 августдаги 351-сонли қарорига асосан эгалик қилиб келган бўлса-да, 2018 йилда туман ҳокимлиги томонидан ушбу савдо дўкони бузилганлиги ва бузилган савдо дўкони учун компенсация пуллари ва бошқа ер майдони ажратилмасдан келинганлиги келтирилиб ўтилган.

Ф.Қодиров бир неча бор туман ҳокимлигига бузилган савдо дўкони ўрнига ер майдони ажратишни сўраб мурожаат этган.

Ҳокимлик томонидан савдо дўкони учун ер майдони ажратилмасдан тадбиркорнинг мулк ҳуқуқлари бузилишига олиб келинганлиги сабабли, Термиз туман адлия бўлими томонидан 2019 йил 12 июнь кунини Термиз туман ҳокими номига қонунбузилишлар, уларни келиб чиқиш сабаблари ва унга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартафоз этиш ва тадбиркорнинг мурожаатида қайд этиб ўтилган ваҳларини қонуний ҳал этиш, яъни тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида ер майдони ажратишни сўраб тақдимнома киритилди.

Киритилган тақдимнома ижроси юзасидан туман ҳокимининг тадбиркор Ф.Қодировга туманнинг "Учқизил" маҳалласи ҳудудидан "Савдо ва маийш хизмат кўрсатиш" биносини куриш учун 0,05 га ер майдони ажратиб бериш тўғрисидаги 4759-сонли қарори қабул қилинди.

Баҳодир АШУРОВ,
Термиз туман адлия бўлими бошлиғи

ГИЁҲВАНДЛИК ЖИНОЯТНИНГ ИЛДИЗИ

ЎЙЛАБ қаралса, бутун тарих бўйича инсоният маълум бир эпидемиянинг "ўлжа"си бўлиб келган. Вабо, сил каби оммавий хасталиклар кўп асрлар давомида одам боласининг кўланкасида "соялаб" келган. XXI асрнинг шундай эпидемияси, шубҳасиз, гиёҳвандликдир. Бу касаллик нафақат кашанданинг, балки бутун келажакнинг илдинини курийдиган даражада хавфлидир. Буюк рус адаби Лев Толстой гиёҳвандликнинг инсон ҳаётига таъсирини кўйидагича баён қилади:

— Мен дунёда икки буюк бахтсизликни биламан: буларнинг бири виждон азоби бўлса, иккинчиси тузалмас хасталик — гиёҳвандликдир.

Албатта, гиёҳвандликнинг тузалмас таъсирида эканлиги, аввало, унинг инсон ҳаётидан буткул изсиз кетмаслиги билан боғлиқдир. Гиёҳвандлик соғлом инсон генини ҳам ўзгартириб, авлоднинг носоғлом дунёга келишига ҳам сабаб бўлади. Де-

макки, гиёҳвандлик фақат бир миллатнинггина эмас, бутун инсониятнинг муаммоси. Шунинг учун ҳам 1987 йилдан буён бутун дунёда 26 июнь Халқаро гиёҳвандликка қарши кураш кунини сифатида ўтказилиб келинади. БМТ маълумотларига кўра, бир йилда икки юз минг киши айни гиёҳвандликнинг қурбони бўлмоқда. Эътиборлиси, мазкур хасталикка чалинганлардан олти нафаридан фақат биттасигина даволанишга мурожаат қиладилар. Наркотика мутелек инсон ақли ва иродасини синдирувчи куч бўлиб, ўта оғир оқибат билан яқунланиши мумкин. Ҳозирги кунда гиёҳвандлик энг кўп тарқалган ҳудуд сифатида Европа қитъаси давлатлари назарда тутилса, "ишлаб чиқарувчи" энг катта платформалар эса Афғонистонда жойлашган. Демак, гиёҳвандлик мамлакатимиз учун ҳам ички, ҳам геосиёсий кураш сифатида кўрилиши керак.

Гиёҳвандлик оғир ва ўта оғир жино-

ятларнинг содир этилишига, оилалар ва миллат генофондининг бузилишига олиб келиши билан хавфли. Биргина ўтган 2018 йилнинг ўн икки ойи бўйича ҳисобласак, Ўзбекистонда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан гиёҳвандлик ва унинг савдоси билан боғлиқ 4779 та жиноят аниқланган. Уларнинг 1626 таси наркотик моддаларни олиб ўтиш, 171 таси контрабанда, 1238 таси гиёҳванд моддаларни етиштириш, 66 таси бевосита хилватхоналардаги савдо билан боғлиқ бўлиб, наркомания натижасида диспансерларда даволанганлар сони 6142 нафарни ташкил этган.

Бугунги кунда давлатимиз томонидан гиёҳвандликка қарши қўллаб самарали ишлар амалга оширилмоқда. Гиёҳвандлик билан шуғулланувчи кимсаларга нисбатан жазолар қўлланилаётганлигини ахборот воситалари орқали бевосита гувоҳи бўлмоқдамиз. Ёш авлодни баркамол этиб тарбиялашда гиёҳвандлик каби салбий иллатларнинг оқибати ҳақида уларга тушунтириш ишларини олиб боришимиз керак бўлади.

Одилбек СОТВОЛДИЕВ,
Ички ишлар вазирлиги академияси тингловчиси

ЭЪЛОНЛАР

Газетанинг 2019 йил 9 июлдаги 27-сонида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан берилган буюк (важип) нотариус лавозимига талпов ўтказилиши тўғрисидаги эълондаги Сурхондарё вилояти бўйича "Денов туман 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар" деган сўзлар чиқариб ташлаб ўйилсин.

Ўнубод туман Давлат хизматлари маркази томонидан 14.05.2019 йилда №608195 реестр рақами билан давлат рўйхатидан ўтган "STYLE GARDEN" масъулияти чекланган жамияти (СТИП: 305 544 861) таъсисчисининг 2019 йил 1 июлдаги қарорига асосан тугатилди.

Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой мобайнида Ўнубод тумани, Ифтихор кўчаси, 1-уй манзилда қабул қилинади.

Сереги туман Давлат хизматлари маркази томонидан (Сереги тумани, Обҳаёт кўчаси, 3а-уй) 2018 йил 17 октябрда 643832 сонли реестр рақами билан давлат рўйхатига олинган "S-B CHIPISLARI" ММҲ манзили Серегеги тумани, У.Махмудов кўчаси, 4А-уй (СТИП: 305 809 332) таъсисчисининг 2019 йил 12 июлдаги бевонномасига асосан тугатилди.

Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой мобайнида қорхона почта манзили бўйича қабул қилинади.

Тел.: (90) 971-00-09.

Тошкент шаҳар, Учтепа туман Давлат хизматлари марказида 07.06.2019 йилда 731357-сонли реестр рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Диллаш кўчаси, 25-уй манзилда давлат рўйхатидан ўтган "ESCADOO" масъулияти чекланган жамияти (СТИП: 306 488 159) таъсисчисининг 2019 йил 9 июлдаги 2-сонли қарорига асосан тугатилди.

Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой мобайнида қабул қилинади.

Тел.: (97) 310-99-99.

Тошкент шаҳар, Учтепа туман Давлат хизматлари марказида 20.05.2019 йилда 725044-сонли реестр рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Сақой кўчаси, 12-уй манзилда давлат рўйхатидан ўтган "LATTITUDE TRAVEL" масъулияти чекланган жамияти (СТИП: 306 437 012) таъсисчисининг 2019 йил 10 июлдаги 2-сонли қарорига асосан тугатилди.

Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой мобайнида қабул қилинади.

Тел.: (91) 668-19-99.

Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғриси-

да"ги Қонуни 16-моддаси ва Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 9 мартдаги 60-сон қарори билан тасдиқланган "Адвокатлик фаолиятини лицензиялаш тўғрисида"ги Низомининг 27-банди ҳамда Сурхондарё вилоят адлия бошқармасининг 2019 йил 4 июлдаги 134-ум-сонли буйруғига асосан Термиз шаҳридаги "Сурхон ҳаёкат маскан" адвокатлар ҳайъати адвокати Қўнаров А.Маманорович вафот этганини сабабли унинг адвокат фаолияти билан шуғулланиши ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тугатилди.

Сереги туман Давлат хизматлари маркази, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 27 апрелдаги "Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрни тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисида"ги 630-сонли қарорини бажариш мақсадида "TRIUMPH BUSINESS" хусусий қорхонаси (СТИП: 302 804 326) таъсисчисининг 2019 йил 1 июлдаги қарорига асосан тугатилди.

Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой мобайнида Серегеги тумани, Жанубий саноат ҳудуди, Соҳил бўйи кўчаси, 44-уй манзилда қабул қилинади.

Тел.: (90) 958-11-10.

Наманган вилоят адлия бошқармаси томонидан адвокат Нурбаева Гулоийн Ортиқовнага 2018 йил 24 декабрда берилган №А00044-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тугатилди.

Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Мунис кўчаси, 80-уйда жойлашган "JUST RIGHT" адвокатлик бюроси раҳбари Расуллова Гулиҳаё Бабабраҳимовнанинг 2019 йил 1 июлдаги 2-сонли қарорига асосан ихтиёрни тугатилаётганлиги маълум қилинади.

Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой мобайнида қабул қилинади.

Ўнубод туман Давлат хизматлари маркази томонидан 05.07.2018 йилда №620322 реестр рақами билан давлат рўйхатидан ўтган "WORLD MAX GROUP" масъулияти чекланган жамият (СТИП: 305 636 804) таъсисчисининг 2019 йил 1 июлдаги қарорига асосан тугатилди.

Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой мобайнида қуйидаги телефон рақами орқали қабул қилинади.

Тел.: (90) 991-78-00.

АҲОЛИ БАРҚАРОР ЭНЕРГИЯ РЕСУРСЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАНИШИ КЕРАК

Яқинда Президентимизнинг "Ёқилги-энергетика соҳасида ўзаро ҳисоб-китобларни янада такомиллаштириш ва молиявий барқарорликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳамда "Аҳоли ва иқтисодий энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш, нефть-газ тармоғини молиявий соғломлаштириш ва унинг бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Мазкур ҳужжатлар бўйича Адлия вазирлиги томонидан соҳа вакиллари иштирокида матбуот анжумани ўтказилди.

Дастлаб мазкур ҳужжатларнинг асосий моҳиятига тўхташамиз: Фармонга мувофиқ, 2019 йил 1 августдан табиий газни ва электр энергиясини сотишдан тушадиган маблағлардан Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармасига ажратмалар, қўйилган қиймат ва акция солиғини чегириб ташлаб, 5 фоиз миқдорда амалга оширилади. Илгари тушган маблағларнинг 10 фоизи ўтказилган.

2019 йил охиригача Электр энергиясини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимга уланганлар сони 2,5 миллионга етказилди ҳамда 2020 йил охиригача 100 фоиз истеъмолчилар тизимга уланади. Бунинг учун Жамғара маблағларидан 100 миллиард сўм ажратилади.

2020 йил 1 январдан прокуратура органлари ходимлари бир қисмининг таъминоти Жамғармадан Давлат бюджетига ўтказилади.

"Аҳоли ва иқтисодий энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш, нефть-газ тармоғини молиявий соғломлаштириш ва унинг бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор билан нефть-газ тармоғини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини амалга ошириш бўйича республика ишчи комиссияси тузилди.

Комиссия утлеводород ҳомашёсини казиб олишни кўпайтириш, газ-транспорт тизимини модернизация қилиш чораларини кўради. Энергетика вазирлигида нефть-газ тармоғини ислоҳ қилишни мувофиқлаштириш бўйича лойиҳа офиси ташкил қилинади.

Қарор билан "Ўзбекнефтгаз" АЖ бошқаруви тизими такомиллаштирилиб, самарали ташкилий тузилмаси шакллантирилди. Унга кўра, "Ўзтрансгаз" АЖ "Ўзбекнефтгаз" АЖ таркибидан чиқарилиди. "Ўзтрансгаз" АЖ устав капиталидagi давлат улуши Давлат активларини бошқариш агентлигига ўтказилди ва унинг худудий филиаллари негизда "Худудгазтаъминот" АЖ ташкил қилинди. "Ўзнефтмаҳсулот" АЖнинг фермерларга хизмат кўрсатувчи 1381 та автономияга ёқилги қўйиш шохобчалари тadbirkorларга аукцион орқали сотилади. "Ўзбекнефтгаз" АЖ таркибидagi ташкилотларнинг 13 та бозор, савдо ва чорвачилик комплекслари устав капиталидagi улушлари маҳаллий ҳокимликларга ўтказилди. Қарорга мувофиқ, "Ўзбекнефтгаз" АЖ 2024 йилга келиб утлеводород ҳомашёси, шу жумладан, табиий газ казиб олиш ҳажмини 42,3 миллиард метр кубга ва суьюттирилган газни 1,5 миллион тоннага етказиши лозим. 2020-2022 йилларда Ўзбекистонда энергия самардорлигини ошириш дастури ишлаб чиқилди. Мазкур ҳужжатлар билан белгиланган асосий вазифалар, бажариладиган ишлар ва кўзда тутилган режалар ҳақида мутахассислар фикр билдиришди:

Нодир МУХИДДИНОВ, Энергетика вазирлиги бошқарма бошлиғи:



— Эътибор берсак, аҳолини ва иқтисодий энергия билан барқарор таъминлаш максалида мазкур ҳужжатларда геология қидирув ишлари самарасини оширишга катта аҳамият қаратилади. Охириги йилларда Президентимиз томонидан айнан шу соҳада иккита қарор имзоланди ва бу билан ёқилги казиб олиш ишларининг самардорлиги аввалги йилларга нисбатан бир мунча ошди. Сўнгги иккита йилда 11 та янги кон очилди, бу бо-

рада ишлар ҳажми янада кучайтириляпти. Шу билан бирга "Ўзбекнефтгаз"нинг молиявий аҳоли оғирлиги сабабли ушбу ҳужжатларда белгиланган вазифалар, белгиланган ҳажмлар тўлиқ амалга оширилмаганини ҳам таъкидлаш керак. Соҳани техник, технологик жиҳатдан янгилаш имконияти бўлмади. Мазкур қарор айнан мана шу масалада давлат томонидан ёрдам берилишини кўзда тутди. Ушбу ҳужжатларнинг қабул қилиниши геология қидирув ишларини янада кучайтириш, уни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, самардорликни янада кучайтиришга хизмат қилади. Ўзбекистон худуди кенг, унда геологик жиҳатдан ўзлаштирилиши кийин бўлган майдонлар бор. Ҳозир катта чуқурликка эга бўлган, нефть-газ захираларини очиш мумкин бўлган мана шу худудларга чет эл инвесторларини жалб қилиш мумкин. Бу худудларга чет эл инвесторларини ўз рисклари, инвестициялари билан жалб қилиш режалаштирилган. Бу дегани "Ўзбекнефтгаз" бундан бунён геология қидирув бўйича ўз ишларини янада кучайтиради, конларда модернизация ишларини, янги технологиялар билан таъминлашни давом эттиради, лекин шу билан биргаликда ўзлаштирилиши кийин бўлган майдонларда геология қидирув ишларига чет эл инвесторлари чакирилади. Шунингдек, казиб чиқарилиши кийин бўлган майдонларда энг замонавий технологияларга эга бўлган чет эл компанияларини жалб қилиш вазифа қилиб белгиланди. Айни пайда "Ўзбекнефтгаз"га катта масъулият юклянапти, 2024 йилгача компания казиб олиш бўйича ишларини 7 миллиардга ошириши зарур. Шу билан бирга суьюттирилган газ ҳажмларини ҳам бир ярим миллион тоннага ошириш режаси кўзда тутилган.

Улугбек АШУРОВ, "Ўзбекнефтгаз" Ақциядорлик жамғири бошқаруви раиси ўринбосари:



—Йиллар давомида "Ўзбекнефтгаз" тизими корхоналарида муаммолар ечимли келган. Бунинг натижасида нефть-газ корхоналарининг молиявий аҳоли ниҳоятда оғирлашиб қолгани.

Бу нима билан боғлиқ эди? Аввало, ўз вақтида молиялаштириш манбалари аниқ бўлмаган. Геологик тадқиқот ишлари етарлича амалга оширилмаган. Президентимизнинг ПК-4388-сонли қарори билан "Ўзбекнефтгаз"нинг таркибий тузилмаси қайтадан кўриб чиқилди. Бундан олдин биз 1 йил давомида Осиё тараккиёт банки техник кўмағида халқаро консўлтатив компаниялар билан бирга ишладик. Мақсад бу ерда нима эди? Асосий вазифа тизим структурасини тўғрилаб, замон талабига жавоб берадиган нефть-газ корхонасига айлантириш эди. Иккинчи томони "Ўзбекнефтгаз"да ўзи казиб оладиган табиий газ ва суьуклик водороди ҳажимини ошириш мақсад қилинди. Шунга эришиш учун аввало тизимдаги барча корхоналарнинг молиявий аҳолини яхшилашга ҳаракат қилинапти. Қарор билан автономияга ёқилги қўйиш шохобчаларини суьуга чиқариш белгиланди. Бу бўйича ҳозирда ишлар бошланган. Биринчи навбатда бу АЕҚШларнинг нархи белгиланади ва очик электрон савдоларда тadbirkorларга сотилади. Нега бу қарорга келинди? Бутун республика бўйича АЕҚШларнинг аҳоли яхши эмас, бу ерда бозор механизмлари ишлаши керак, бунда рақобат муҳити юзага келиши керак. Бир ой ичида бу АЕҚШларнинг баҳолашни жараёнини тугатилиб, очик электрон савдоларга қўйилади.

Санжар ҚУРБОНАЛИЕВ, Давлат ақциядорлик бошқаруви агентлиги Департамент бошлиғи ўринбосари:



— Тadbirkorларга сотилиши режалаштирилаётган бу 1381 шохобчалар бутун республиканинг ҳамма худудларида жойлашган АЕҚШлар ҳисобланади. Ҳозир Е-ijro аукцион ташкилоти билан биргаликда уларни оммавий савдога чиқариш жараёнида бошланган. АЕҚШлар баҳолагандан кейин электрон савдоларга қўйилади ва айтиб ўтишим жоизки, харидларда ҳеч қандай чекловлар йўқ. Бу автономияга ёқилги қўйиш шохобчалари очик савдоларга қўйилгандан кейин, хоҳлаган шахс, тadbirkorлик субъекти бўладими ёки бошқа шахс, элек-

трон савдоларда катнашиб уни сотиб олиши мумкин.

2024 йилгача "Ўзбекнефтгаз" ақциялари жаҳон бозорига чиқарилади

Матбуот анжуманида йнгиланган лар томонидан тегишли ташкилотлар вакиллари бир қанча саволлар берилди. Хусусан, тadbirkorлардан бирининг "Илгари АЕҚШлар фермер хўжаликларига белгиланган тартибда хизмат кўрсатар эди, янги тартиб бўйича хизматлар қандай амалга оширилади", деган саволга "Ўзбекнефтгаз" бошқаруви раиси ўринбосари жавоб берди. Маълум бўлинича, АЕҚШларда аввалги тартиб сақланиб қолади. Республика худудидagi 1381 та АЕҚШлар фермер хўжаликларига ҳам аввалгидек хизмат кўрсатади. Шунинг ҳам таъкидлаш керак, фермер оладиган ёқилгининг нархи реализация тизими ўзгариши ҳисобига ўзгармайди, яъни давлат томонидан белгиланган нархда сотилади.

Анжуман иштирокчиларидан яна шундай савол берилди: "Ўзтрансгаз" АЖнинг "Ўзбекнефтгаз" АЖ таркибидан чиқарилишидан мақсад нима? Бунга "Ўзбекнефтгаз" АЖ бошқаруви раиси ўринбосари шундай жавоб берди: Жаҳон таърибасига қарайдиган бўлсак, казиб олувчи компаниялар алоҳида фаолият юритади, ташкилоти алоҳида ва охири суьугача етказиладиган компания алоҳида иш олиб боради. Бизда эса ҳозир битта катта қозон. Олдин битта "Ўзбекнефтгаз"нинг ўзи бор эди. Ҳозир Ўзбекнефтгаздан ташқари Лукойл ва яна бир қанча бошқа компаниялар бор. Умуман олганда, магистрал газ қувурларида хўжалик органларининг монополияси бўлмагани керак, жаҳон таърибасида шундай. Шу аснода Худудгазтаъминот алоҳида бўлади. Мақсад, босқичма-босқич бу компанияларни давлат шерикчилиги асосида ишлашга ўтказишдир. Бу ерда бозор механизмлари ишлаши керак бўлади. 2024 йилгача "Ўзбекнефтгаз" компанияси ақцияларини жаҳон бозорига олиб чиқишни ўз олдимиғизга мақсад қилганмиз. "Ўзбекнефтгаз" давлатга фақат даромад олиб келадиган компанияга айланади.

ЙПХ ХОДИМЛАРИНИНГ МОБИЛЬ ВИДЕОКАМЕРАДАН ФОЙДАЛАНИШИГА ОИД ТАЛАБ 2020 ЙИЛ 1 ЯНВАРГАЧА УЗАЙТИРИЛДИ



Жорий ҳафтада яна бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Хусусан, 2019 йил 3 июлда "Ички ишлар органлари ходимларини мобиль видеокузатув воситалари билан таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Хукумат қарори қабул қилинди.

Қонунчиликка мувофиқ, 2019 йил 1 июлдан йўл-патруль хизмати ходими хизмат вазифаларини мобил видеокамерадан фойдаланган ҳолда ошқорча олиб бориши ва бу ҳақида йўл ҳаракати катнашчиларига маълум қилиши керак эди. Қарор билан ЙПХ ходимлари хизмат вазифаларида мобил видеокамерадан фойдаланишига оид талаб 2020 йилнинг 1 январига қадар узайтирилди.

Шунга кўра, йўл ҳаракати катнашчилари 2020 йил 1 январгача хизматини мобил видеокамерасиз олиб бораётган ЙПХ ходими га ҳужжатларини тақдим этмаслик ҳуқуқидан фойдалана олмайди.

ШАХСГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАР ҚОНУН БИЛАН ҚЎРИҚЛАНАДИ




2019 йил 8 июлда "Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун Президент томонидан имзоланди.

Киритилган қўшимчаларга мувофиқ, шахсга доир маълумотларни қонунга хилоф равишда йиғиш, тизимлаштириш, сақлаш, ўзгариштириш, тўлдириш, фойдаланиш, бериш, тарқатиш, узатиш, эгасизлантириш ва йўқ қилиш:

фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг 3 бараваридан (608 минг 190 сўмдан) 5 бараваригача (1 млн 13 минг 650 сўмгача); мансабдор шахсларга 5 бараваридан (1 млн 13 минг 650 сўмдан) 10 бараваригача (2 млн 27 минг 300 сўмгача) жарима солишга сабаб бўлади.

Мазкур ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо қўлланилганидан сўнг содир этилса, энг кам ойлик иш ҳақининг 50 бараваригача (10 млн 136 минг 500 сўмгача) жарима ёки 3 йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд 2 йилгача ахлоқ тўзатиш ишлари билан жазоланади. Жавобгарлик чоралари 2019 йил 1 октябрдан қучга қиради. Қонун билан Миллий гвардия органлари маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўрувчи ҳамда суриштирув органлари қаторига киритилди.

МАТЕМАТИКА ТАЪЛИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ



2019 йил 9 июлда "Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг В.И.Романовский номидаги математика институти фаолиятини тўвдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарори қабул қилинди.

Қарор билан Математика фанини ривожлантириш ва В.И.Романовский номидаги Математика институти фаолиятини такомиллаштиришнинг устувор вазифаларини амалга оширишни назарда тутувчи мақсадли дастур тасдиқланди. Дастурга мувофиқ, ҳар йилги "Илим-фан етакчиси" республика танлови ўтказилади.

2020 йилдан илмий лабораториялар ва илмий ходимларнинг фаолияти ҳар йили Фанлар академияси ташкил этидиган махсус комиссия томонидан баҳоланади. Институти тузилмасида Ёши математиклар ўқув маркази ташкил этилди. Фан ва технологиялар бўйича республика кенгаши ташкил этилди. Кенгашининг асосий вазифаси фан ва технологиялар соҳасида ягона давлат сўбатини шакллантириш ҳисобланади.

БОШ ВАЗИР ҚАБУЛХОНАЛАРИДА НАВБАТ БЎЙИЧА ТАРТИБ РАҚАМИ ОЛИНАДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 4 июлдаги қарори билан Бош вазирнинг Тadbirkorлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари фаолиятини ташкил этиш бўйича бир қатор низоэмлар тасдиқланди.

Бош вазир қабулхонаси томонидан мурожаатларни қабул қилиниши белгиланган тартибига кўра, қабул жадвали асосида Ишчи гуруҳ томонидан Бош вазир қабулхоналарида тadbirkorлар ҳамда чет эллик инвесторларни қабул қилиш ҳар куни соат 9.00 дан 13.00 гача амалга оширилади. Соат 14.00 дан 18.00 гача куннинг биринчи қисмида келиб тушган мурожаатларни умумлаштириш, рўйхатга олиш, ягона порталга киритиш ва бошқа функционал вазифалар амалга оширилади.

Бош вазир қабулхонасида мурожаатлар оғзаки, ёзма ва электрон шаклда шахсан ёки почта алоқа воситаси орқали қабул қилинади. Тadbirkorлар ва чет эллик инвесторлар шахсан мурожаат қилган тақдирда Бош вазир қабулхонасида навбат бўйича тартиб рақамини олади ва кутиб ўтиш ажратилган жойда ходимнинг чакирлигини кутади.

"Инсон ва қонун" муҳбири

Давлат Авазова тайёрлади.

ИНСОН ҚОНУН

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

www.minjust.uz

ISSN 2020-7697

16 07 2019 769008

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Тошқул Акбар Журабоевич
Рабиёв Шерзод Миржалилоевич
Тожиёв Фурад Шомуродович
Искандаров Ёрбек Нурбекович
Эргашева Дилфуза Рустамовна
Мамадалиев Зайниддин Очилович

Таҳририятга келган ўқибмагар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Навбатчи
Ислом Ибодулло

Саҳифаловчи-дизайнер
Жасур Тожибоев

Нашр индекси: 137

"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва сақланади. А-3 бичимида, 2 босма табақ ҳажмида, офсет усулида "Ўзбекистон" нашриёт матбаа ижодий уюмда chop этилди.

Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Ушбу сонда ўза суьратларидан фойдаланилди.

Тиражи — 10799
Буларта — V-3604
Тошпириш вақти — 19:00
Тошпиригди — 22:30

МАНЗИЛИМИЗ:

100 000, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-35.

Факс: (0371) 233-44-23, (0371) 233-44-08

Обуна бўлими: 233-44-09

Баҳоли етказилган нархда

1 2 3 4 5



МУАЗЗАМ Ҳадисларда пора берганга ҳам, олганга ҳам Аллоҳнинг лаънати бўлсин, дейилган экан. Энди бутун жамият бу иллат билан ҳам-нафас яшаётган эса-чи? Кўз ўнгингизда кўрқинч манзара пайдо бўлади, албатта. Пора нима сабабдан олинади? Пора олишнинг биринчи босқичи чорасизликдаги манфаатдорлик, иккинчи босқичи инсофсизликдаги очкўзлик бўлади. Бу иккиси изчиллик билан бир-бирининг ўрнини босади. Демак, пора олиш ва беришни йўқотиш учун чорасизлик, манфаатдорликнинг ортидан келадиган очкўзликка жамиятда ўрин қолдирмаслик лозим.

Дунёдаги энг ҳалол "пора"...

— Хизматдамиз, ака, ўйланманг, иш битса рози қиламан. Кўнгилини тўқ қилаверинг-а.
 Ҳаддоров томоқ кирди. Телефонга чўчиброқ жавоб берди.
 — Хўп, бажарамиз. Таниш-нотанишга нафи тегмас, бу амалнинг нима кераги бор, ахир?!
 — Яшанг, сиздайлар кўпайсин! Ҳаддоровнинг замони келди. Амалга ўтирганига бирон ўн йил бўлди. Ажаб киборларнинг сирасига кўшилди. Узи тупканинг тубидаги қишлоқдан чиққан бола эди. Йигитнинг ўзи билан ўйнашу пешонаси билан ўйнаша. Сочи



Пора эшикдан киргунча, ИНСОФ ТЕШИКДАН ЧИҚАДИ

тўзиб, эти устихонига ёпишганди бошда. Йўқ, ҳозир этланди. Бағбақаси чиқди. Қорни осилинқираб қолди. Амалнинг ажри ёқди, шекилли...

...қурғур чол, кўп жавради. Жағи очилди. Очилганичаям бор. Шаҳардан амалдор ўғли келган. Эски ҳаммом, эски тос. Ўғил бир замонлар ўмболоқ ошиб ўсган жулдур наमतидан ҳазар қилди. Эт-бетини гардини черткилаб, отасининг биқинида омонат ўтирди.

— Невараларни келтирмабсан-да, улим!
 — Кейин, ота. Мактаби бор...
 — Келин...
 — Ундаям иш кўп. Биратўла таътилга келар!

Чол ўксинди. Ўксинди-ю, ҳарна ўғлини кўриб кўнгли тоғ бўлди. Тани енгиллашиб, дарди ариди. Шу пўрим йигит ўзининг ўғлими?

Ўша ориқ, ўша бурнини мишиқдан тозалаб билмайдиганими?

— Ҳа, ўқийман деди. Қийналди. Майли, оғир куннинг ўтгани рост бўлсин. Елкасига кун теккизганга шукр!

Чол ўйга толиб, ўғлига орзиқиб қаради. Бир замонлар шаҳардан келганида йиққан-терганини кўшқўллаб шунисига топширганларини эслади. Йигит-да, Ҳаддоров отасидан пул олишни кўп хушламасди.

— Сиз ўтира туринг, ота. Мен ҳозир...

Ҳаддоров ўрнидан туриб, отасининг тўшагидан нари жилди. Бир бурчада каловланиб юрган дўлвар акасини забтига олди.

— Ака, бу нимаси? Отамни ўларга чиқариб қўйибсиз, мана, отдай экан-ку. Шунча ишни эгасиз ташлаб келибман. Мендаям хўжайин бор, мендаям масъулият бор!



Бош прокуратура маълумотиға кўра, ўтган 2018 йилнинг ўн икки ойи давомида 1561 нафар мансабдор шахс коррупцияга алоқадорликда айбланган. Эътиборлиси, шулардан 138 нафари пора бериш ва олиш билан боғлиқ жиноятлардир.

— Буни ола кет.
 — Нима бу?
 — Озгина йиғиб эдим. Невараларга ишлатарсан!
 Ҳаддоров бовурдай қизарди. Хамияти кўзиди.
 — Кўйинг, ота, пулим етарли...
 Буни ўзингизнинг дори-дармонингизга харжланг. Яхшиси, менга рухсат...
 Отанинг қўли ҳавода қолди. Ҳаддоров чолнинг елкасига қоқди. Тура солиб жўнади. Кета-кетгунча нафаси қайтди...

Отасини ранжитиб келди. Шу ҳақда тун бўйи ўйлаб чиқди. Бе-ддор бўлди. Хотини холини англамади.

— Тинчлик эканми?
 — Тинчлик!
 Эрталаб сўлинқираб ишга борди. Хонасида ёлғиз қолди. Узоқ шифтга қараб турди. Бир хил ўйларни кўмсади. Эшикдан кирган ёрдамчининг овозидан хушини йиғди.
 — Сизга мана буни ташлаб кетишди, хўжайин.
 — Нима экан?
 — Билмадим. Бир киши...

Ёрдамчи хонадан чиқди. Ҳаддоров қозғоқ ўрани олиб оғирлигини чамалади. Кейин эсланди: "Хизматдамиз, ака, ўйланманг, иш битса рози қиламан. Кўнгилини тўқ қилаверинг-а!". Жилмайди. Ўрамнинг бир четини йиртиб, пул қатини титкилади. Пора... Қараса бир қатор ёзув. Секин юлқиниб, ўқиган бўлди: "Отамизнинг омонати. Олавер, ука. Дори-дармонига биз бормиз!".

Ҳаддоровнинг мияси гувлади. Кўз олди хира тортиди. Қўлидаги "пора"ни қаттиқ сиқимлади...

Ислом ИБОДУЛЛА,
 "Инсон ва қонуни" муҳбири

РЕКЛАМА



Ҳурматли тадбиркорлар!

"АСАКА" БАНК

бизнесингизни молиялаштириш ва ривожлантириш учун қуйидаги хорижий банкларнинг кредит линиялари маблағлари ҳисобидан кредитлар таклиф этади:



Хитой Халқ Республикаси Давлат Тараққиёт Банки



Халқаро Тикланиш ва Тараққиёт Банки "Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик секторини ривожлантириш" лойиҳаси доирасида



Халқаро Тараққиёт Агентлиги "Ўзбекистон Республикасида чорвачилик соҳасини ривожлантириш" лойиҳаси доирасида



Туркия Республикаси Эксимбанки



КФВ Ипекс Банк (Германия)



Ландесбанк А.Г. (Германия)



Коммерцбанк А.Г. (Германия)



Корея Республикаси Эксимбанки

Маълумот учун телефонлар:
 (78) 120-82-01, 120-82-09, 120-82-24,
 120-82-62, 120-82-96, 120-86-83.



www.asakabank.uz

Хизматлар лицензияланган.